

ТОНТЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕВОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 41 (65917)
1996 йил, 15 июнь, шанба

Сотувда
эркин нархда



— Шоирахон, гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?

— Айтганингизман, Гулмирахон.

— Райхонга қиёсласаммикан десам, купрок қоқигулга ухшаб кетяпсиз... — ҳазил аралаш аскиябозлик қилиб утирган мана бу угил-қизлар Зангиота туманидаги 21-мактабда ўқишади. «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, купчилик болалар тоғ ён-бағирла-



қолсак, турли қизиқарли китоблар ўқиймиз, кулгули воқеалардан айтишамиз. Кейин эса сойга чумилгани борамиз. Дустим Ақобир сузиш буйича болалар орасида чемпион, сувга тушса нақ балиқ булиб кетади деяверинг!

Кечга яқин қишлоққа қайтамиз. Қуй-қузиларимизнинг маъраши ҳар ённи тутиб кетади.

Авазбек ҚАЮМОВ,
Фаргона вилояти,
Бешариқ тумани.

АРТУР ДЕК БЎЛМОҚЧИМАН

Артур Григорянни танийсиз-а? Яқингинада бокс буйича жаҳон чемпиони бўлган ҳаюртимиз. Унинг галабаси шарафига юртимиз байроғи баланд кутарилиб само узра хилпиратганини куриб, гуе Артур Григорян эмас, мен жаҳон чемпиони бўлгандек, теримга сизмай, қувониб кетудим. Ҳатто тушларимда ҳам уни куриб чиқяпман.

Мана бир неча ойдирки «Спартак» спорт комплекси қошидаги бокс тугарагига қатнаб келяпман. Устозимиз Шўҳрат ака жуда моҳир боксчи. Ҳар бир бола билан имкон қадар алоҳида шугулланишга ҳаракат қиладилар. Авваллари ҳафтасига 3 маротаба шугулланардик, холос. Айрим кунлари машгулотларга дарсдан чиқиб, арағ улгуриб борардим. Ҳозирги таътил кунлари эса ҳафтасига 5 марта машгулот утказяпмиз. Икки соат давомида тинимсиз машқ қиламиз, жуфт-жуфт булиб боксга тушамиз. Устозимиз Шўҳрат аканинг угитларини, ҳатти-ҳаракатларини диққат билан кузатамиз... Мен келгусида Артур акамдек чемпион булиб, юртимиз доврўгини жаҳонга ейишни дилимга тукканман.

Санжар ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳри.



ридаги соя-салқин масканлар, дам олиш оромгоҳларини орзулашади. Бу болалар эса уз қадрдон туманларида ҳам мириқиб хордиқ чиқариш мумкин, деб ҳисоблашади. Устозлари Марғуба опа Солиева билан биргаликда Зангиотанинг хушманзара жойларига тез-тез саёҳатлар уюштириб туришади, қизиқар-

ли ҳикоялар тинглаб, кенгликларда югуриб, турли уйинлар уйнашади. Фарқ пишган сархил мевалардан тотинишади. Шу тариха куннинг қандай кеч булиб қолганини ҳам сезишмайди.

Ёзги таътилнинг гашти ҳам шунда булса керак-да!

Р.АЛЬБЕКОВ фото-
лавҳаси.

Бугунги кунда юртимиздаги ҳар қандай байрам маҳаллалар назаридан четда қолмаётир. Шундай қувончли кунлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Ёшлик маҳалласи-

либликка ингилишди. Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кура учта бола ва етти та қиз «Левептуль» фирмаси вакилининг совринларига эга бўлди. Саккизта усмир мусобақалар олдидан утказилган

да «Та-Та» туристик комплекси маъмурияти мусобақа иштирокчиларига уз туҳфаларини тошширди. Шунингдек, «Ёшлик» тижорат корхонаси директори К. Қозоқбоев корхона ҳисобидан болаларга ту-

«ЁШЛИК»ДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ

да булиб утди. 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 80 дан зиёд угил-қиз аввалига топқирлик, зукколик, билимдонлик, ҳозиржавоблик борасида беллашдилар. Ушбу мусобақа мавзуси юртимиз тарихи, қўҳна маданияти, бугунги ҳаётга оид саволлардан ташкил топган эди. Спорт беллашуварларида эса болалар тезкорлик, чаққонлик, кучлилилик фазилатлари билан го-

шанбалик учун махсус совгалар билан тақдирланди. Тош кутариш буйича юқори натижалар курсатган икки голиб бола Самарқанд саёҳатига бепул бориб келиш имконини қулга киритди. Мусобақанинг 10 иштирокчиси, шу жумладан битта қиз — Юлия Хальзновага ширинликлардан иборат совгалар берилди.

Аввалги йиллардаги каби «Ўзбекистон» ресторани ҳам-

кин дартурхон тузаб берди. Маҳалла худудидаги кафе жамоаси ҳам ушбу хайрияга уз ҳиссасини қушди. Байрамда болаларнинг ота-оналари ҳам иштирок этиб, мазкур тадбирни уюштиргани учун Ёшлик маҳалласи ҳамда Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги маъмуриятига миннатдорчилик билдирди.

Туйғун ОРИПОВ.



СИНФДОШИМ БЎЛАСАН

— Қайси мактабга чиқасан, Одил?

— 206-мактабга.

— Вой, бирга ўқиймизми? Синфдош бўламизми?

Ҳали мактаб остонасига қадам қўйманган болакайларнинг «синфдош бўламизми?» деган гапларидан сергақлашиб, синфдош сузини қандай тушунишлари билан кизикдик.

— Бирга, бир синфда ўқийдиган болаларни синфдош дейишади.

— Синфдошлар яхши уртоқ бўлишади. Хуршидга ухшаб ҳамма билан уришмайди.



синфдош сузини ўзлари тушунганча шарҳлашди. Шу пайт уларнинг боғча опалари байрам бошланганини эълон қилди.

Ўзбек болалари рус тилида, рус болалари эса ўзбек тилидаги шеър-қушиқлар айтиб, ҳазил-сурокли топшмоқлар билан даврани жонлантиришди. Камолаю Ўлмас, Ойгулу Еленаларнинг рақслари, Искандару Рома, Алишеру Желяларнинг «Ким чаққон?» уйинлари даврага қувноқ кайфият олиб кирди. Гарчи боғчада мусиқа раҳбари бўлмаса-да, бу санъатдан хабаари бор тарбиячи Оксана Харитоненко, севимли боғча опалари Дамира Баирбекова, Фания Турсунбоевалар ҳақиқий тарбиячи эканликларини намойиш қилишди.

— Азиз болажонларим, — деди байрам сўнгида боғча мудираси Мунира опа Турсунова. Аввало сизларга соғлиқ саломатлик тилайман. Боғча ёшдан чиқиб, мактабга қадам қўйяпсиз. Бизни, боғча опаларингизни ҳеч қачон уялтириб қўйманг. Бу совғаларимиз боғча даврингизни ҳамisha эслаб юришингиз учун, — дея уларга оқ йул тиладилар.

Ҳамза туманидаги 1-болалар боғчаси Тошкент шаҳридаги 1-уй-жой қурилиш комбинатига қарашли бўлгани учун комбинат хотамтойлари болаларни чиндан ҳам сийлашди. Ота-оналар эса фақат томошабин бўлибгина қолмай, уларни ширинликлар дастурхонига таклиф этишди.

Салом мактаб, хайр боғчажон, боғча!..

Феруза ОДИЛОВА.

**Суратда: Байрамдан лавҳалар.
Р. АЛЬБЕКОВ сурати.**

125-мактаб қизиқарли тadbирлар, турли тантана ва байрамлар уюштириш бўйича шаҳримиздаги энг фаол зиё масканларидан ҳисобланади. Мактаб ўқитувчилари ташкилотчи булсалар, ўқувчилари ташаббускорликда устозларидан қолишмайдилар. Ҳатто таътил кунларида ҳам мактаб буш қолмайди.

Яқинда мактабнинг 6-синф ўқувчилари — шарқий тавқим ҳисоби бўйича «сичқон»лар уз мучал тўйларини нишонладилар. Тантананага 12 ёшли ўғил-қизлар мезбонлик қилишган булса, мактабни 1989 йилда тамомлаган 24 ёшли-



лар уларнинг меҳмони бўлишди. Қизиги шундаки, ҳар икки синфга ҳам француз тили муаллимаси Уктам опа Тошхужаева раҳбарлик қилган эканлар. Тантана уюштириш таклифини ҳам Уктам опа киритгандилар.

Ҳар йили синф доирасидагина утказиладиган ун икки ёшлилар шодиёнаси бу гал қизиқарли ва таассуротларга бой ўтди. Кичкинтойлар ака ва опаларига «Куёв навкар», «Келин салом» каби миллий удумларимизни намойиш этиб, халқ термалари ва лапарларидан айтиб беришди.

Нодир АЛИМОВ.



олиш хоналарига айлантирилган.

Оромгоҳда кичкинтойларнинг ҳар бир куни мароқли ва таассуротларга бой ўтапти. Бугун республика қўғирчоқ театрининг томошаларини қуришган булса, эртага музей ва сайлгоҳларга саёҳат қилишади, турли хил куриктанловлар, қизиқарли спорт мусобақалари уюштиришади. Хуллас, оромгоҳда маза!

Энг муҳими эрта тонгда хизматга отланаётган оналарнинг кўнгли хотиржам. Фарзандим нималар қилаётган экан, еки бирор жойга кетиб қолмадимикан, деган хавотирли ташвишлардан холи бўлишади. Бу эса уларнинг ишлари унумли булади деганидир.

Маҳмуда ҲАЙДАРОВА.

Ёз ўтмоқда соз

хининг 90 фоизини уз зиммасига олган. Ота-оналар эса фарзандларининг 20 кунлик дам олишлари, 4 маҳал иссиқ овқат ҳамда турли маданий ҳордиқлари учун йўлланма нархининг атиги 10 фоизини, яъни 100 сум миқдорида пул тулаш-

ОНАЛАРНИНГ Кўнгли хотиржам

ди, холос.

Оромгоҳ 100 га яқин бошланғич синф ўқувчиларини уз бағрига олди. Барча маданий, ташкилий ишлар режа асосида амалга ошириляпти. Меҳрибон тарбиячилар Мунира Қосимова, Шоира Умрзоқовалар болалар қошида парвона. Ўқув синфлари озода ва пинам ётоқхоналарга, турли уйинчоқлар ва китоблар билан безатилган дам

Одатда ёзги таътил кунларида мактаб ҳовлиси, синф хоналари бушаб, жим-жит бўлиб қолади. Лекин Тошкентдаги 266-мактабда булганимизда аксинча манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ер болаларнинг гавжумлигидан шўх-шодон овозлари, қийқириқлари эшитилиб турарди. Маълум бўлишича, бу мактабда Сирғали тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан 266-, 268-, 277-, 252-247-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун ёзги оромгоҳ ташкил этилган экан.

Ҳозирги шароитда болалар оромгоҳларига йўлланмалар нархи ҳамманинг ҳам ҳаменига тугри келавермаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда, кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида халқ таълими касба кўмитаси йўлланмалар нар-

БҲХОРОВА ХҲШХАБАР

Ғиждувон шаҳридаги халқ таълими бўлимига қарашли Абдулла Қодирий номли 5-мактабда «Ёш тadbиркор» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу корхонага меҳнат таълими муаллими Озода опа Эргашева раҳбарлик қилиштилари. Кичик корхонага 5 та ПМЗ-2 маркали оёқ билан ишлатиладиган тикув машинаси келтирилди. Ёш тadbиркорлар бўлимларга бўлиниб ишлашяпти. Жумладан, уй-рузғор буюмларини тикиш бўлими, сунъий толалар билан ишлаш, моделлаштириш, конструкциялаш, газмолшунослик, еқаларни тикиш каби бўлимлар мавжуд. Ўқувчилардан Озода Бобомуродова, Азиза Абдуллаева, Зебунисо Эшпулатова, Ирода Саидова, Шаҳноза Қиличеваларнинг ишлари барчага маъқул бўляпти. Улар тумандаги туқимачилик комби-


нати билан алоқани мустаҳкамлаб арзон маҳсулот олади-лар. Бу маҳсулотлардан қурпа, ёстиқ жилдлари, чойшаб тикиб, тиббиёт билим юртига, «Нилуфар» болалар боғчасига етказиб беришяпти.

Кичик корхонада бу йил иссиқхона ҳам ташкил этилди.



Ўқувчилар 20 хилдан орғиқ сабзавот турларини экиб кукартирдилар. Булғор қалампирию помидорларни муаллимлар арзон нарҳда сотиб олдилар. Бундан ташқари мактабни таъмирлаш ишларига 10 минг сум ажратилди, кам таъминланган оилаларнинг болаларига 1,5 минг сумлик ўқув қуроллари олиб берилди. Уларнинг бу ҳимматидан болалар ҳам, катталар ҳам бирдек хурсанд.

Сачоқ ЭГАМОВ.



уша дамларда уйғонган, десам хато бўлмайди.

5—6 синфларда ўқиб юрган кезларимда 100 килограмм унга бемаъл хамир қорардим. Хамир қорардиган мосламага буйим етмаслиги сабабли, оёғим тагига яшиқ қўйиб олардим. Уқишларим ҳам чакки эмасди. Баҳоларим пасайиб кетса, ойим нонвойчилик қилишимни таъқиқлаб қўйишларини билиб, иккисига ҳам улгуришга астойдил ҳаракат қилардим. Мактабимиз қошидаги миллий кураш спорт туга-

Кейинчалик ўзим ҳам уйимизда нонвойхона очдим. Қўшни болаларга устозлик қила бошладим. Нонвойлик ҳам қасб бўлибди, дея менсимай кетганларни ҳам қурдим. Ҳатто қизлар устим-

Хунар-хунардан унар

дан қулган кунлар ҳам бўлган. Менимча, тирикчиликнинг айби йўқ. Ўзим меҳнат қилиб топганим учун ҳам пулларимни қадрига еғиб сарфлайман. Пешона тер, меҳнатнинг ҳалол нонига не етсин?!

Шухратжоннинг орзуси келажакда журналист бўлиш. Узининг таъбири билан айтганда «журналист бўлмоқ нонвойликдан кечмоқ» дегани эмас. У мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётини, халқимизнинг қувончу шодликларини, ташвиш ва муаммоларини руйи-рост ёритувчи, Ватан мадҳини қўйловчи журналист бўлмоқчи. Бунинг учун ўқишда, одамлар оламини ўқишда!

Орзуларинг ижобат бўлсин, элини севган, эли ардоқлаган уғул бўлгин, Шухратжон!

Нилуфар ДАВИДОВА

«ХАРИДОР ОҒРИНМАСИН...»

Шухрат болалигини яхши хотирлайди: Ботиржон исмли дустим бор эди. Биз доимо бирга уйнардик. Унинг Расулжон, Абдурахим исмли акалари нонвойлик қилишарди. Уларнинг хамир қорашлари, нонларни ясаб, қизиб турган тандирда ёпишларини зур қизиқиш ва ҳайрат билан кузатиб утирдик. Нонлар пишиб чиққач Ботир иккимизга беришарди-да, сотиб келиш учун бозорга юборишарди. Хизмат ҳақимизга кунига иккитадан юмшоқ нон ҳам олардик. Нонвой акаларимизнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб утириб, бир-биримизга суянганча, ухлаб қолган кунларимиз ҳам бўлган. Мендаги нонвойлик касбига меҳр

рагига қатнаб, куплаб мусобақаларнинг голиби ҳам бўлганман. Айниқса, футболни жуда яхши қурардим. Бирор фандан дарс бўлмай қолса уртоқларим билан мактаб спорт майдончасида туп теппишардик.

Сизга айтсам, болалигим купроқ бозорларда утган. Лекин савдо қилишнинг ҳам узи бўлмайди. Харидорларни чорлаш учун сузга моҳирлик, ҳисобдан адашмаслик учун математика билимдони, харидор ҳолатини билиш учун руҳият илмининг пири бўлиш керак. Устоз «нонвой» акаларим менга доимо: «Ҳалол бул, нон азиз нарса, харидор оғринмасин, берган пулига рози булсин» дея ўқтиришарди.

Ўқитувчиларингиз шўғоридан



БУГУН ТУГИЛГАН КУНИМ

Бугун тугилган куним,
Хатладим учдан тўртга,
Келаверинг дустларим.
Таклиф қиламан тортга,
Келаверинг қисинманг,
Торт ҳаммага етади.
Тортга туймай қолганлар
Конфет олиб кетади.

БУЗОҒИМ

Бир бузоғим бор менинг,
Очқўзликда у машҳур
Не курса ҳам танламай,
Ютаверар қурмагур.
Қизиқ бўлди бир куни,
Куяндим, ҳайрон бўлдим.
Кундалик дафтаримни
Тополмай сарсон бўлдим.
Кейин-кейин очилди,
Воқеанинг жумбоғи:
Дафтаримни гажибди,
Очқўзгина бузоғим.



БАҲОНА

Авваллари «тўрт»,
«беш»инг,
Куп эди-ку Олимжон.
Энди-чи, йўқ... уқининг
Пастлаб кетибди чунон—
Деб опаси Олимни
Суроққа тутган эди.
У ҳеч уйлаб ҳам турмай

Опага шундай деди:

— Инсоф керак-ку ахир,
Фарҳод хафа булади.
Ҳамма «беш»ни мен олсам
Унга нима қолади?

ОМОННИНГ БИР ОДАТИ

Бизнинг синфда
Омон деган бор.
Панду насихат,
Қилмас унга кор.
Ҳаммага албат,
Топади бир айб.
Уйлайди фақат
У моҳи беайб.
Аъло-сутак дер
Неъматни ялқов
Аҳмадни — соқов,
Раҳматни анқов.
Салимни туя,
Ҳалимни куя,
Саъди пакана,
Шоди чакана.
Акасин чулоқ
Опасин чумчуқ,
Укасин чучук,
Синглисин пучуқ.
Сен яхши булдинг
Бошқалар ёмон.
Қилган ишингни,
Уйлаб қўр Омон.

Мирфайз КОЗОҚОВ
Бухоро вилояти, Пешку тумани.

Катталар, эътибор беринг

СПОРТ МАЙДОНЧАСИ БУЛСАЙДИ...

Қадрли «Тонг юлдузи!» Ушбу мактубимни куп сонли ҳамқишлоқ тенгдошларим номидан ёзяман. Қишлоғимиз аҳолисининг етмиш фоизини асосан усмир ёшлар ташкил этади. Шундай булсада, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароит яратилмаган. Ёшларимизни кузатсангиз, уларнинг жисмонан заиф, нимжон эканликларини пайқайсиз. Бекорчиликдан нос ва сигареталар кекиб, турли жойларда карта уйнаб утиришади. Мактаб яқинидаги ерлардан озроқ жой ажратилса-ю текисланиб, муъжазгина спорт майдончаси куриб берилса, куп савоб иш буларди-да. Бизнингча бир дона тортилиш турнири ва футбол майдончасига иккита дарвоза урнатиб бериш учун у даражада куп меҳнат ҳам, сарф-харажатлар ҳам талаб қилинмаса керак. Етмиш йиллик собиқ совет иттифоқи даврида қишлоғимизга спорт майдончаси битмаган эди. Шояд мустақиллигимиз тантаналарари муносабати билан мутасадди амакиларимиз бизга муъжазгина стадион совға қилишса...

Қишлоқ ёшлари номидан Насрулло ХОЛМУРОДОВ, Денов тумани, «Москва» жамоа хўжалиги, Тортувли қишлоғи. ТУЯ ГУШТИ ЕГАН МАКТАБ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён жуда куплаб туманлар ва чекка қишлоқлар ичимлик суви ва газ билан таъминланаётганлиги ҳақидаги хушхабарларни эшитсак, юрагимиз орзиқиб кетади. Чунки бизнинг «Маданият» қишлоғимиз ҳанузгача газлаштирилгани йўқ. Қиш кунлари синф хоналарида совуқдан қалтираб утирамыз. Мактабимизнинг иситиш қурилмалари авваллари суюқлик ёнилгага мослаштирилган эди. Бундай ёнилга камийиб кетганлиги сабабли, иситиш системаси кумир ёқилгисига мослаштирилганди. Бу йил қиш ойларида 60-70 тонна кумир ёқиб ҳам иситиш трубаларини қиздириш амри маҳол бўлди.

Бунинг устига мактабимиз жуда тор. Ўқув машгулотлари уч сменада утилади. Синф хоналари етишмаслиги сабабли турли тадбирлар, синфдан ташқари машгулотлар утказишнинг имкони йўқ. Янги қурилаётган мактаб биноси ҳам ночор аҳволда қолиб кетди. Мактаб раҳбарларимизнинг мурожаат қилмаган ташкилотлари қолмади, ҳисоби.

Биргина умидимиз сиздан.
Қишлоғимизни, мактабимизни газлаштиришга кумаклашсангиз.



Андижон вилояти, Пахтабод тумани, Маданият қишлоғидаги Х.М. Абдуллаев номли 28-мактаб ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар жамоаси.

ҚИШНИНГ ҒАМИ

Ёзнинг иссиқ кунлари булса-ю булар қишнинг қировли кунлари ҳақида ёзишди, дея ҳайрон бўлаётгандирсиз. Қиш гамини ёзда егин, деб бежиз айтишмаган-ку, ахир. Телевизор орқали буз ерлар, чуллар, узоқ-узоқ қишлоқлар ҳам газлаштирилиб, зангори олов ёнаётганлиги ҳақида куп курсатишади. Лекин бизнинг шаҳар типидоғи гузал Маданият қишлоғимиз ҳали газлаштирилгани йўқ. Қишнинг қировли кунларида совуқдан жуда қийналдик. Касалхоналар, мактаб ва боғчалардаги шароитни гапирмай ҳам қўя қолайлик. Қумирларнинг нархи осмонда. Уни сотиб олишга қўрби етадиганлардан қўра, етмайдиганлар купроқ. Қиш буйи мол тезагини ёқиб чиқдик. Гузапоялар эса нон ёпиш учун тандирга аранг етади. Утин, кумир олишга қийналган одамлар, ипак қўрти боқиб учун экилган туг дарахтларини кесиб ёқишга мажбур бўлишди. Қишлоғимизни газлаштириб бериш ҳақидаги баланд-парвоз ваъдаларга ишонмай ҳам қўйдик...

Йўлдош Охунбоев номли мактабнинг 765 нафар ўқувчилари номидан У. ТОҶИБОЕВ, Андижон вилояти, Пахтабод тумани, Маданият қишлоғи.

Муҳарририятдан: Бир-бирларидан беҳабар ёзилган яна 2 мактуб бор: бири «Янги ҳаёт маҳалласидаги Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон номли 30-мактаб ўқувчилари, яна бири Қирғизқўрғон маҳалласидаги Амир Темур номли 35-мактаб ўқувчиларидан келган. Уларнинг мазмун, мақсадлари ҳам ўхшаш. Қишлоқларининг ҳанузгача газлаштирилмагани ҳақида ёзишади. Ҳатто уларда газлаштириб беришни ваъда қилгану лекин ўз сўзидан чиқа олмаган айрим халқ ноибларининг номлари ҳам келтирилган. Биз эса бу номларни келтирмасак-да, фарзандларининг ташвиш билан ёзилган мактубларини ўқиб, мутасадди амакилар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар, деган умиддамиз ва албатта бу мавзуга яна қайтамиз.



Анчадан буён Диас ака Раҳматов билан бир бор учрашишни, бафуржа, дилдан суҳатлашишни дилимга туғиб юрардим. Лекин бу оммабоп, ҳаммабоп актёримизни учратишнинг узи бўлмади. Телевидениега қидириб борсам, «дубляж»дан топасиз дейишади. У ердан йўқласам, «Табассум»га кетгандилар, дейишади. Уларидан ҳам ҳеч топиб бўлмади.

Тунов куни нима бўлди денг? Одам тирбанд автобусда ишдан қайтаётгандим. Автобуснинг орқа тарафидан таниш овоз кулогимга чалингандек бўлди. Угрилиб қарадим, не куз билан қурайки, Диас ака турибдилар-да. Ҳазина топган одамдек севиниб кетдим. Йулочилар автобуснинг олд тарафига утишга ҳаракат қилишар, мен эса туртина-туртина орқага қараб юрдим. Яқин бориб, салом бердим. Диас ака: «Сизни таниёлмай турибман» дегандек чузиброқ алик олдилар. Мақсадимни аниглагач, «қизим, менинг ҳеч қандай унвоним йўқ, ёзаверасизми?» деб суралдилар оҳиста. Ута соддадиллик, самимийлик билан айтилган бу сузларидан Диас акага бўлган ихлосим янада ортиб кетди...

РАЖ КАПУР БЎЛГАН БОЛА

1937 йили Ҳамза театри актёри Неймат ака Раҳматовнинг хонадонида кучқордек угил дунёга келганида, у беҳад севинганди. Орадан икки йил утагач, угил-

ҳинд кинофильми жуда оммалашиб кетганди. Маҳаллаларидаги туйларнинг бирида Диас акани даврага чорлашди. Шунда Раж Капур булиб, қушиқ айтиб берди. Меҳмонлар орасида бир санъатшунос ҳам бор экан. Диас акани ёнига чақириб, «сенинг урнинг актёрлар тайёрлайдиган олийгоҳда экан» деганда, фаришта омин деганми, Тошкент театр ва рассомлик олийгоҳи

ЎЗБЕКНИНГ «ВИЦИН»И

Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаган Диас ака йўланма билан Ҳамза номли драма театрида ишлаб боради. Кейинчалик еш томошабинлар театри, Жиззах вилоят театрларида ҳам ишлаб, маҳоратини ошира борди. Маълумки, кўпгина актёрлар асосан бош рол-

Болаликка содиқ инсонлар

болаларча соддадиллик, бегаразлик, самимийлик, қувноқлик ва ҳазил-мутоибага, кулгуга мойиллик. Ҳозиргача овоз берган мультфильмлари сони 300 дан ошиб кетди. Фильмлари эса 1000 дан

ди. Аксинча, томошабинлар орасида «қотил Мамат»ни туғиб олиб, дўшпосламоқчи бўлганлари ҳам топилди. Диас аканинг «Суюнчи» фильмидаги кичик эпизодли Дилмурод роли режиссер Мелис Афзаловга маъқул бўлиб, бирга ишлашга таклиф этади. «Келинлар кузгалони»да Уринбой, «Армон»да аравакаш Кузивой, «Бомба»да сапёр Муса образлари яратилди.

Айниқса, «Майсаранинг иши» фильмидаги кузи ожиз гадои роли ҳаммага манзур бўлди. Бу фильм суратга олинаётганда Диас ака Мулладушт родини беришларини илтимос қилган экан. Лекин унга кузи ожиз гадои роли nasib этибди. Тугриси, ушанда Диас ака бироз ранжиганди. Кейинчалик режиссердан: «Нима учун менга Мулладуштни бермадингиз?» деб сурганида, «Мулладуштни ҳам қойил қилиб уйнашингиз мумкин эди. Лекин унда кузи ожиз гадоини ким уйнардиган?» деб жавоб беришган экан. Бизнингча, бу рол ижросига таърифу тавсифлар ортиқчадек.

Суҳбатимиз бошида Диас ака «Менинг ҳеч қандай унвоним йўқ» деганларида, бироз кунлим чуққандек бўлувди. Кейин эса фикримдан қайтдим. Биз эсимизни таниб-танитай курадиган «Окшом эртаклари»даги «Биларжон», Эргаш Каримов, Ҳусан Шарипов, марҳум Ҳасан Йулдошев, Садир Зиямухамедовлар би-



КУЛМАГАН КУНЛАР — ЙЎҚОЛГАН КУНЛАР

часи эндигина атак-чекча қадам ташлаб, «ада-ада» дея тили чиқа бошлаган бир пайтда бевақт ҳаётдан куз юмишини, угилчаси эса келажакда ота изидан бориб, халқнинг суюкли актёри булиб етишишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Бу уша — ҳамма-ҳамманинг, ешу қарининг сеvimли актёри Диас ака Раҳматов эди. Отасидан барвақт етим қолган Диас ака онаси — Ҳамза театри актрисаси Мукаррама опа Раҳматованинг тарбиясини олиб улгайди. 14-мактабда уқиб юрган кезларида шифокор, булганда ҳам жарроҳ-шифокор бўлишни орзулаб юрган Диас ака Тошкент тиббиёт олийгоҳига ҳужжатларини топширди. Лекин уқипга кириш унга nasib қилмади, имтиҳонлардан ута олмади.

Уша пайтда «Дайди» номли

га ҳужжатларини топширди. Имтиҳонларга эса онаси билан биргаликда икки кунгина ҳозирлик қурди, холос. Этнод нима, ижро маҳорати нима, аниқ билмай туриб олийгоҳнинг толиби булган йигит имтиҳонда ортиқча уринмади, қиёфага ҳам кирмади. Уз ҳолича, қандай бўлса, шундайлигича ижро этиб берди ва ҳаммага еқди...

Диас ака олийгоҳнинг иккинчи босқичида уқиб юрган кезларида олийгоҳга таниқли режиссер Гинзбург келади. У Муҳаммад Дин асари асосида сахналаштирилатган «Алжир — менинг Ватаним» спектаклидаги Эдрис исмли бола ролига актёр танлаётганди. Табиийки, талабалар орасида режиссер нигоҳига тушишни хоҳламайдиганлари йўқ эди. Гинзбург улар орасидан Диас акани танлади. Шу тариқа унинг сахна ҳаёти бошланди.

ларни ижро этишга ишқибоз булишади, бир-бирлари билан ракобатлашишади. Диас ака учун эса бу ҳол бегона. Унинг учун ролнинг катта-кичиги йўқ. Кичкинагина, эпизодли ролни ҳам актёр зур маҳорат билан, маромига етказиб ижро этолса, томошабинга манзур булиб, ёдида узок сақланишини жуда яхши билади.

Диас аканинг овоз бериш фаолиятининг бошланиши ҳам жуда қизиқ булганди. «Кавказ асираси» фильмидаги Вицин ролига овоз бериши керак булган актёр Садир ака Зиямухамедов кутилмаганда бегона бўлиб қолади. Шунда бу ролга Диас акани таклиф қилишади. Вицинни ўзбекча гапиртирган Диас аканинг ижрочилиги маҳорати ҳайбат аъзолари куригидан муваффақиятли угди. Кейинчалик Диас акани жуда кулаб мультфильмларга овоз беришга чақиривади. Бунинг боиси унинг табиатидаги

зиед. Кунда булмаса, кунора Диас ака қуғирчоқлар тилидан сузлаб, хонадонимиз меҳмони буладилар. Узининг донолиги, уддабуронлиги-ю омад келтирувчи қалпоғи туйфайли ҳар қандай кунгилсиз вазиятдан ҳам чиқиб кета оладиган машҳур Мюнхаузен булиб сузлайдиган ҳам — Диас акадир.

НИМАГАДИР ҲЕЧ КИМ КУЛМАДИ.

«Нурхон» спектакли сахналаштирилаётганди. Диас ака режиссердан Нурхоннинг акаси, Мамат родини беришларини илтимос қилади. «Сен бу жиддий ролда чиқсанг, «Нурхон»нинг фожеаси қайда қолади? Томошабинларни кулдириб юборасан-ку» дейишганди, ушанда. Лекин улар уйлагандек булмади. Диас ака Мамат ролида сахнага чиқди. Қаҳру газаб билан синглиси Нурхоннинг куксига пичоқ санчди. Нимагадир ҳеч ким кулма-

лан биргаликда телеминиюраларда яратган юзлаб кулгули сахналари, «Наптар»даги ичакузди хангомалари, «Табассум»даги бегараз ҳазиллари... Қуйингчи, қуча-қуйда «Диас акам келяптилар» дея шивирлашаётган халқ меҳри, турмуш уртоғи Низия опа Люманованинг самимий муҳаббати-ю, 3 фарзанд, 7 набиранинг «Биз Диас аканинг фарзандларимиз» дея куксилари тоғ баробар юришлари... Шулар эмасми, ҳокисор, камтарин ва камсуқум инсон — Диас аканинг унвонлари, шон-шавкати ва мукофотлари?! Болалик чоғларидаги «жарроҳ-шифокор булиб, одамларни доволайман» дея қилган ошпоқ орзулари ҳам ушалди ҳисоб, кулмаган кунлар — йўқолган кунлар. Бунга ишонадиган Диас ака одамларни тиг билан эмас, кулгу билан доволайгитилар.

Феруза ЖАЛИЛОВА

Хандола

— Йўқ, мен телевизорда кино кураман, — деди синглиси.
— Вой, бу фильм катталар учун-ку! Дадам урушиб берадилар.
— Нега уришар эканлар? Дадам «Ну, погоди» ни курганларида биз уришмаймиз-ку!
— Ниҳоят кулга тушдинг-ку! Қани, дарров дарахдан тушиб, дадангни чақирчи!
Бола боғбоннинг амрини бажо келтирди. Кейин юқорига қараб қичқирди:
— Дада, тушаркансиз, сиз билан боғбон амаки гаплашмоқчи.
— Отанг онанга элик марка беради. Кейин йигирма маркани қайтариб олади. Хуш, Вилли, кейин нима чиқади?
— Жанжал чиқади, жаноб уқитувчи.

География уқитувчиси ҳаёл суриб утирган уқувчидан суради:
— Қани айт-чи, ер юзида энг иссиқ жой қаерда?
— Мен утирган печканинг олди, — деб жавоб берди уқувчи.

Опаси турт яшар синглисига китоб уқишни ургатмоқчи бўлди.

— Нимани кутяпсиз домла! Куйиб юборинг пашшани!
— Дада, бугун уқитувчимиз айтдики, биз ҳаммамиз ернинг тортиш кучи сабабдан ер устида юрарканмиз. Шу тугрими?
— Ҳа, тугри углим.
— Ундай бўлса бу қонун кашф этилишидан аввал одамлар қандай юришган.
Уқитувчи уқувчини уришади:
— Наҳотки, сен ундан ортиқни санашни билмасанг! Ақлим етмай қолди, катта бўлсанг ким буласан?
— Бокс буйича судья буламан.
— Устоз, — деди уқитувчига Марат, — отам айтди, биз маймундан тарқалган эканмиз.
— Жим утир, Марат! — деб танбех берди уқитувчи. — Сизнинг оилангиз-

Бола онасининг янги шляпасини курсатиб деди:
— Мана, куриг отажон, энди ойим шляпаларини сира ҳам йўқотмайдилар, чунки мен шляпанинг устига номларини сиёҳ билан езиб қўйдим.
— Судралувчи жониворлар доимо ерда эмаклаб юрадилар. Дилбар, судралувчиларга мисол келтира оласанми?
— Ҳа, судралиб юривчи — менинг кичкина синглим.
— Жим! — деди уқитувчи. — Овоз чиқармай утиринглар. Пашша учгани билансин.
Болалар жим булиб қолишди. Ниҳоят биринчи синф уқувчиларидан биттаси чидаб туролмай қичқирди.

нинг тарихи мени қизиқтирмайди.
Ота метеоролог экан. Угли сурапти:
— Дада, об-ҳавони айтиб беришларингиз ҳамма вақт тугри чиқади-ми?
— Ҳа, ҳамма вақт тугри чиқади. Фақат куллари ҳамиша тугри келавермайди.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва сахфаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0317. 7691 нусхала босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилади — 18.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Мавзелимиз: 700083. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25